

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

6/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/6 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилевич – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Умарханова Дилдора Шарипхановна

ЕВРОПА МИНТАҚАСИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 9-14

Yakubova Iroda Bahramovna

MULKIY HUQUQLARNI JAMOAVIY ASOSDA BOSHQARUVCHI TASHKILOTLAR VA
MUALLIFLAR O'RTASIDAGI FUQAROLIK-HUQUQIY MUNOSABARTLAR..... 15-26

Собирова Нозимахон

СИТУАЦИОННОЕ ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ АКАДЕМИЧЕСКОЙ НЕДОБРОСОВЕСТНОСТИ: РОЛЬ
ОБУЧЕНИЯ, МОТИВАЦИИ И ИННОВАЦИОННЫХ ПОДХОДОВ К ОЦЕНКЕ 27-36

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ
ҲУҚУҚИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ 37-45

Турсунов Ойбек

ЭТАПЫ СТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ВОДНОГО ПРАВА 46-53

Ismoilova Aziza Alisher qizi

MEHNAT MUNOSABATLARIDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASHDA GENDER HUQUQIY
EKSPERTIZA AHAMIYATI VA HUQUQIY MUAMMOLARI 54-60

Safarova Shaxlo Pulatovna

YANGI O'ZBEKISTONNING HOZIRGI RIVOJLANISH DAVRIO'ZGARISHLARINING INSON
HUQUQLARI TA'LIMINI AMALGA OSHIRISH VA RIVOJIGA TA'SIRI 61-67

Akbaralieva Mukhayo Karamatullo kizi

CRIMINAL LIABILITY FOR KIDNAPPING IN FOREIGN COUNTRIES 68-71

Valijonov Daler Dilshodovich

PROBLEMS OF COMBATING CORRUPTION: INTERNATIONAL EXPERIENCE
AND PRACTICE OF EU MEMBERS 72-76

Asadov Eldorjon Nizomiddin o'g'li

DAVLAT FUNKSIYALARI VA DAVLAT MOLIIYASI O'ZARO NISBATINING HUQUQIY
MASALALARI 77-92

To'xtayev O'ktamjon Zarifjon o'g'li

VAKILLIK INSTITUTINING FUQAROLIK-HUQUQIY TAHLILI 93-103

Хайдарова Хилола Анваровна

НАСЛЕДОВАНИЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ ... 104-109

Рахмонова Мохичехра Нодирбек кизи

СУВЕРЕНИТЕТ И ЮРИСДИКЦИЯ В КИБЕРПРОСТРАНСТВЕ 110-118

Худайбердиева Шоҳиста Акмал қизи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР	119-129
---	---------

Alijonov Ayubjon Qobiljon o'g'li

RAQAMLI IQTISODIY HAMKORLIKNI XALQARO TARTIBGA SOLISH	130-136
---	---------

Fayzulloyev Shohijaxon Jobirovich

XALQARO SAVDODA NIZOLARNI HAL QILISH KONSEPSIYASINING RIVOJLANISHI: TARIXIY VA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR.....	137-141
--	---------

Fayzullaeva Shakhlo Jumaniyaz kizi

ISSUES OF ONLINE DISPUTE RESOLUTION UNDER THE WTO	142-147
---	---------

Raimov Elbek Bahodirovich

OLIY TA'LIM TASHKILOTINING YURIDIK SHAXS SIFATIDAGI HUQUQIY MAQOMI.....	148-152
---	---------

Alieva Kamola Ravshanovna

OVERCOMING LEGAL BARRIERS TO ENHANCE WOMEN'S POLITICAL PARTICIPATION IN UZBEKISTAN	153-161
--	---------

Juraeva Asal

MECHANISM OF ENFORCING ICA AWARDS IN UZBEKISTAN	162-166
---	---------

Rakhmonov Otabek

THE ROLE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN THE REORGANIZATION OF JOINT STOCK COMPANIES	167-171
--	---------

Айбек Якубов

ПРАВОВОЙ ПОРЯДОК РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И МЕЖДУНАРОДНО-ЧАСТНЫХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В РАМКАХ ВСТУПЛЕНИЯ ВО ВСЕМИРНУЮ ТОРГОВУЮ ОРГАНИЗАЦИЮ	172-178
--	---------

Zoilboyev Javlon Karimjon o'g'li

MA'MURIY SUD Hujjatlarini ijroga qaratishning huquqiy tartibi	179-184
---	---------

07.00.00 – TARIX FANLARI

Elmuratov Ortiq Oltiboy o'g'li

TURONNING YUNON-MAKEDONLARGA QARAMLIK DAVRI ME'MORCHILIK AN'ANALARI.....	185-192
--	---------

Baxtiyarov Sirojbek Ilxombek o'g'li

URBANIZATSIYA TUSHUNCHASI, TURLARI VA UNING TAHLILI	193-199
---	---------

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Imamov Javokhir

LEVERAGING INTERNATIONAL BEST PRACTICES FOR ESTABLISHING MODERN TECHNOLOGICAL INDUSTRIAL ZONES IN UZBEKISTAN	200-203
--	---------

09.00.00 – FALSAFA FANLARI

Shodmonova Shaxnoza Dadaxujayevna

"TAHDID" FENOMENI VA UNING SIYOSIY JIHATLARI	204-209
--	---------

10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI

Bawetdinov Mukhammeddin

UZAQBAY PIRJANOVNING PEYZAJ LIRIKASI 210-215

Соҳибова Зарнигор

ПЕЙЗАЖ ЛИРИКАСИДА ДАРАХТ ОБРАЗИ (ЗУЛФИЯ ИЖОДИ МИСОЛИДА) 216-219

Jonridova Sanobar Sherali qizi

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA IMPLIKATSION BIRLIKLAR TADQIQI 220-224

Sharipova Mokhidil

PHONETIC CHARACTERISTICS OF ONOMATOPOEIC WORDS IN ENGLISH

LANGUAGE..... 225-231

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI*Umarov Abdurasul Abdurahimovich*PROFESSIONAL VA TEXNOLOGIK TA'LIM O'QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA KOMPAS-3D
AVTOMATLASHGAN LOYIHALASH TIZIMINI QO'LLASH 232-237*Ro'ziyeva Nafosat Abdumumin qizi*YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHDA ABDULLA AVLONIYNING AXLOQIY
QARASHLARI 238-245*Qalandarova Maxliyo*MOLIYAVIY SAVODXONLIKKA O'RGATISHDA O'QUVCHILARINING O'QUVBILISH
FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH 246-251*Чинқулова Гулмеҳра Баҳроновна*ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ..... 252-258*Ibragimova Venera Azadovna*

TIBBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT MODUL TIZIMI IMKONIYATLARI..... 259-264

*Turgunov Shuxratjon Nozimjon o'g'li*INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA HAQORATNING FONETIK VA MORFOLOGIK SATHLARIDA
IFODALANISHI 265-269

Received: 10 August 2024
Accepted: 15 August 2024
Published: 25 August 2024

Article / Original Paper

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE RIGHT TO PARTICIPATE IN THE CONDUCT OF SOCIETY AND STATE AFFAIRS

Yuldoshev Azizjon Ergash ugli,

Doctor of Law, Associate Professor, Acting Professor of the Department of Constitutional Law,
Tashkent State University of Law
E-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

Abstract. The article provides a comparative study of the content of the right to participate in the management of public and state affairs in Uzbekistan, its definition in other countries, and international standards. As a result of the study, the features of defining the elements of this right and the procedure for their implementation in different countries were identified.

Key words: public affairs, participation, right, democracy, sovereignty, constitution, public control.

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли,

Юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети,
Конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори в.б.,

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг мазмуни, унинг бошқа давлатларда белгиланиши ва халқаро стандартлар қиёсий тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида ушбу ҳуқуқнинг унсурлари ва уларни амалга оширишни тартибга солишнинг хусусиятлари очиб берилди.

Калит сўзлар: оммавий, ишлар, иштирок, ҳуқуқ, демократия, суверенитет, конституция, жамоатчилик назорати

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI6Y2024N04>

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида Ўзбекистон фуқароларига жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Ушбу моддада бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилиши белгиланган [1].

Ўзбекистонда фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи халқаро стандартларга мувофиқ берилган. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг (ФСХП) 25-моддасига кўра ҳар бир фуқаро

камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз (1) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллари орқали оммавий ишларни юритишда иштирок этиш; (2) умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминлайдиган ҳаққоний даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш; (3) умумий тенг шартларда ўз мамлакатида давлат хизматида кириш ҳуқуқига эга [2].

Ўзбекистон Конституциясининг 36-моддаси ва ФСХХПнинг 25-моддасини қиёслаш улар ўртасидаги фарқларни кўрсатади. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгаши томонидан тасдиқланган Оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини самарали жорий қилиш бўйича давлатлар учун раҳбарий принципларнинг 5-бандида [3] ФСХХПнинг 25-моддасида белгиланган барча ҳуқуқлар – оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи ва унинг унсурлари дейилади.

Юқоридаги таъриф асосда Ўзбекистон Конституциясининг 36, 37 ва 128-моддаларида белгиланган ҳуқуқларни оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқининг унсурлари дейиш мумкин. Бироқ, 36-моддада жамият ва давлат ишларини юритишда иштирок этиш ҳуқуқи ўзини ўзи бошқариш, референдум, давлат органларини демократик тарзда шакллантириш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати билан чеклаб қўйилганлиги кўзга ташланади.

Халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликдаги фарқлар уларни имплементация қилишда жиддий тўсиққа айланиши мумкин. Шу туфайли ушбу фарқларни ўрганиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлаш долзарб масалага айланади. Кўзланган мақсадга эришиш чуқур ва ҳар томонлама тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўзбекистонда жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи мазмунини очиб бериш қиёсий таҳлиллар ўтказиш заруратини кўрсатмоқда. Ушбу ҳуқуқни хорижий давлатлар қонунчилигида белгиланишини қиёсий таҳлил қилиш унинг мазмунини кенгроқ очиб беришга хизмат қилди. Тадқиқотда оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқига тизимли ёндашув, тарихий ва расмий юридик усулларни қўллаш орқали унинг мазмуни очиб берилди.

Дунёда мавжуд барча давлатларнинг конституциялари ўрганилиб, уларда жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг белгилаш хусусиятлари аниқланган. Хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу ҳуқуқни амалга оширишни тартибга солиш амалиёти очиб берилди.

Муҳокама. Оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи, асосан, ўтган асрнинг 50-йилларидан кейин, яъни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва ФСХХПда мустаҳкамланганидан сўнг хорижий давлатлар қонунчилигига, жумладан, янги қабул қилинган конституцияларга жорий этилган. Мазкур ҳуқуқни айрим давлатлар ўз қонунчилигида ўзгартиш ва қўшимчаларсиз мустаҳкамлаган бўлса, баъзилари унинг мазмунини нисбатан тор ва қолганлари нисбатан кенг очиб беришга ҳаракат қилишган. Бунда оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқи ва унинг унсурлари турлича номланиши кузатилади.

Тожикистон (27-модда) [4], Чехия (21-модда) [5], Жанубий Судан (26-модда) [6] конституцияларида оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлашда

ФСХХПнинг 25-моддасидан нусха олинган [2]. Бурунди (51-модда) [7], Молдова (39-модда) [8] ва Руанда (27-модда) [9] конституцияларида ҳам ФСХХПнинг 25-моддаси акс этган, фақат унинг иккинчи бандидаги овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи алоҳида моддада мустаҳкамланган. Ўзбекистон мисолида айtilганидек, бу билан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш муҳитига айланмайди ва унинг унсурларидан бири бўлиб қолади.

Баъзи давлатлар конституцияларида ФСХХПнинг 25-моддасига нисбатан оммавий иштирокнинг кўпроқ шакллари мустаҳкамланган. Масалан, ўз фуқароларига: Россияда (32-модда) референдумда ва одил судловни амалга оширишда [10], Танзанияда (21-модда) мамлакат фаровонлигига дахлдор масалаларни қабул қилишда [11], Угандада (38-модда) тинч тадбирларда ва давлат сиёсатига таъсир ўтказиш мақсадини қўйган жамоат ташкилотлари фаолиятида [12] иштирок этиш, Анголада (52-модда) оммавий ишларни бошқариш тўғрисида хабардор бўлиш [13], Қозоғистонда (33-модда) давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига шахсан мурожаат қилиш, индивидуал ва жамоавий мурожаатлар юбориш [14], Литвада (33-модда) давлат органлари ёки мансабдор шахслар ишини танқид қилиш, уларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш [15], Озарбайжонда (54-55-моддалар) давлатга қарши қўзғолонга ёки давлат тўнтаришига уринишларга мустақил равишда қаршилик кўрсатиш [16] каби ҳуқуқлар ҳам берилган.

Шунингдек, кўпчилик давлатлар конституцияларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқининг бевосита ҳамда билвосита амалга оширилиши мустаҳкамланган [1]. Бироқ уларда бевосита ёки билвосита оммавий иштирок қандай шаклларда амалга оширилиши кўрсатилмаган. Айрим давлатлар конституцияларида, умуман, шакллар ҳам белгиланмаган, бошқаларида уларнинг турлари, номланиши ва мазмуни ҳар хил мустаҳкамланган.

Айрим давлатлар конституцияларида оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқини ифодалашда Ўзбекистон каби ФСХХП 25-моддасидан фарқ қилувчи атамалар қўлланилган. Масалан, Венесуэла Конституциясининг 62-моддасида халқнинг оммавий ишларни бошқаришда бевосита ва сайланган вакиллари орқали иштирок этиши мустаҳкамланган [17]. Мазкур моддада оммавий ишлар бошқарувини ташкил қилишда, амалга оширишда ва назорат қилишдаги халқ иштироки унинг ҳам индивидуал, ҳам жамоавий баркамол ривожланишининг йўли сифатида белгиланган.

Сербия [18] ва Вьетнам [19] конституцияларининг 53-моддаларида оммавий ишларни бошқаришда фуқароларнинг бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиши қайд этилмаган. Ушбу моддаларда ўз фуқароларига Сербияда тенг шартларда оммавий функциялар ва лавозимларни эгаллаш, Вьетнамда эса, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилиш, давлат органларига таклифлар киритиш, референдумда фикр билдириш ҳуқуқлари берилган. Уммон Султонлиги Конституциясининг 9-моддасида эса, фуқаролар оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқига эгалигини мустаҳкамлаш билан кифояланилган [20].

Беларусь Конституциясининг 37-моддасида оммавий ишларни бошқаришда фуқаролар бевосита иштирокининг шакллари расман кўрсатилган, лекин билвосита иштирок шакллари эътибордан четда қолган. Ушбу моддага кўра, бевосита иштирок

референдум, қонун лойиҳалари, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилиш ва қонун билан белгиланган бошқа шакллардан иборат [21].

Шунингдек, Испания, Португалия ва Шарқий Тимор конституцияларининг тегишинча 23 [22], 48 [23] ва 46 [24] -моддаларида фуқароларнинг оммавий ишларда (ҳаётда) билвосита умумий сайлов ҳуқуқи асосида даврий сайловларда эркин, қонуний йўл билан сайланган ўз вакиллари орқали иштирок этиши расман мустаҳкамланган, лекин бевосита иштирок шакллари кўрсатилмаган. Ушбу моддаларнинг иккинчи қисмларида фуқароларнинг тегишинча давлат хизматига киришда тенглиги (Испания), давлат ва бошқа оммавий ташкилотлар хатти-ҳаракатлари тўғрисида холис маълумот ҳамда ҳукумат ва бошқа органлардан оммавий ишларни бошқариш тўғрисида ахборот олиш (Португалия), сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш (Шарқий Тимор) ҳуқуқлари белгиланган.

Кўпчилик давлатлар конституцияларида фуқароларнинг, асосан, вакилларни сайлаши [8] ва улар орқали оммавий ишларда иштирок этиши белгиланган. Бироқ оммавий ишларда билвосита иштирок этиш ҳуқуқи бу билан чекланмайди. Чунки оммавий иштирокнинг бошқа билвосита шакллари амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланади. Масалан, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда фуқаролар ўз мурожаатлари ва бошқа айрим оммавий иштирок шакллари ишончли вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари орқали амалга оширадилар.

Юқоридагилардан оммавий иштирокнинг бевосита ёки билвосита шакллари давлатлар конституцияларида қатъий ажратишга эҳтиёж йўқлиги аён бўлмоқда. Бундай шакллар ИХУД (21-модда) ва ФСХХПда (25-модда) бевосита демократияни – референдум ва сайлов [25] ҳамда билвосита демократияни – фуқароларнинг ўз сайланган вакиллари орқали оммавий ишларни бошқариш ҳуқуқини таъминлаш учун ажратилган. Булар бугунги кунда бевосита ва билвосита демократиянинг императив шакллари [26, 252], қолганлари эса, маслаҳат шакллари дейилади.

Шунингдек, оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқи расман белгиланмаган демократик давлатлар мавжуд. Уларда ушбу ҳуқуқ демократия, миллий ва халқ суверенитети мазмунидан келиб чиқади. Масалан, Габон Конституциясининг 3-моддасида миллий суверенитет халққа тегишли бўлиб, уни бевосита референдум ёки сайлов орқали плюралистик демократия принципига биноан ҳамда билвосита Миллий конституциявий институтлар томонидан амалга оширилиши белгиланган [27]. Бразилия Конституциясининг 14-моддасига кўра, халқ суверенитети қонунда белгиланган тартибда плебисцит, референдум ва халқ ташаббуси орқали умумий сайлов ҳуқуқи, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади [28].

Давлат ўзини демократик деб эълон қилиши билан ўз зиммасига оммавий иштирокни таъминлаш мажбуриятини олади. Кўпчилик давлатлар конституциясида бундай мажбурият расман мустаҳкамланади. Масалан, Шри-Ланка Конституциясининг 27-моддаси 4-бандида давлат зиммасига бошқарувни номарказлаштириш, инсонларга миллий ҳаёт ва бошқарувнинг барча даражаларида иштирок этиш учун барча имконият ва ҳуқуқларни бериш орқали демократик бошқарувни амалга ошириш ҳамда одамларнинг демократик ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мажбурияти юкланган [29].

Баҳрайн Қироллиги Конституциясининг 1-моддаси “е” бандида [30] оммавий иштирок Конституция ва қонунда белгиланган принциплар ва шартлар асосида амалга оширилиши, шунингдек, қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан ташқари бирон-бир фуқаро сайлаш ҳуқуқидан ёки ўз номзодини сайловда кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бу меъёр билан ушбу конституциявий ҳуқуқ дахлсизлиги таъминланган.

Шуниси эътиборлики, ўзини демократик деб эълон қилмаган айрим давлатларда ҳам фуқароларга сайлаш ва сайланиш, давлат органларига мурожаат қилиш ва оммавий ишларни бошқаришда иштирок этишнинг бошқа имкониятлари берилган. Бундай ҳолат оммавий иштирок нафақат демократия, балки ижтимоий ҳаётни самарали ташкил этишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Масалан, Эрон Ислом Республикаси Конституциясининг 3-моддаси 8-бандида ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий тақдирини белгилашда барча фуқаролар кенг иштирокини таъминлаш учун ҳукумат ўзининг барча имкониятларидан фойдаланиши белгиланган [31].

Маълумки, Ислом давлатларида барча фуқароларга оммавий ишларда иштирок этиш имконияти таъминланади. Чунки Ислом динининг асосий манбаси бўлган Қуръони Каримнинг Оли Имрон сураси 159-оятда Муҳаммад САВга саҳобалар билан кенгашиб иш қилиш буюрилган ва Шўро сурасининг 38-оятда “ишларини ўзаро маслаҳат билан қилиш” Аллоҳ ҳузуридаги неъматларга эришадиган инсонларнинг сифатлари қаторига киритилган [32, 487].

Шариатдаги маслаҳат принципи мажбурий эмаслиги ва Ислом демократияга зид деган фикрларга [33, 11] қўшилмаган ҳолда, аксинча, унинг демократияни ўрнатишга хизмат қилиши, жумладан, омманинг давлат назорати остига тушиши ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслигини [34, 28] маъқуллаш мумкин. Шу туфайли Ислом динини эмас, балки муайян давлатни демократияга мувофиқлигини баҳолаш тўғри бўлади.

Шунингдек, хорижий давлатлар конституцияларида оммавий иштирок соҳалари ва субъектларини аниқлаштириш амалиёти кузатилмоқда. Масалан, Яман Республикаси (42-модда) [35] ҳамда Камбожа Қироллиги (35-модда) [36] конституцияларида фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқлари белгиланган. Бунда Яман Республикасида давлатнинг фикрни оғзаки, ёзма ёки тасвирий шаклда ифодалаш эркинлигини кафолатлаши белгиланган бўлса, Камбоджа қироллигида бундай иштирок этиш ҳуқуқига иккала жинсдаги фуқаролар эгалиги мустаҳкамланган.

Баҳрайн Қироллиги Конституциясининг 1-моддаси “е” бандида [30] ва Ироқ Конституциясининг 20-моддасида [37] оммавий ишларда иштирок этиш ҳуқуқига эркалар ва аёллар эгалиги, уларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан, шу жумладан, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан фойдаланиши белгиланган. Айрим давлатларда ёшлар, ногиронлар ва бошқаларнинг оммавий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи алоҳида мустаҳкамланган. Масалан, Филиппин Конституциясининг 5-моддасида фермерлар ва фермер ташкилотларига аграр ислохотлар дастурларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи берилган [38].

Хулоса. Умуман олганда, хорижий давлатлар конституцияларида оммавий иштирок қандай шаклларда белгиланиши ва номланишидан қатъи назар, уни амалга ошириш махсус ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади [39, 194].

Мазкур иштирокни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш устувор вазифаларни тўғри қўйиш ҳамда инсон ва давлатнинг биргаликда ривожланишидаги салбий омилларни бартараф қилиш имконини беради [40, 7]. Акс ҳолда давлат аппарати аҳолидан узоқлашади ҳамда сиёсий инқирозга олиб келадиган ижтимоий муаммолар пайдо бўлади [41, 18].

Охирги 20 йилда айрим давлатларда оммавий иштирок тўғрисида махсус қонунлар қабул қилиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, Озарбайжон [42], Гондурас [43], Чили [44], Эквадор [45] ва бошқа айрим давлатларда, федерациялар субъектларида [46] ҳамда минтақавий автономияларда [47] оммавий иштирок тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган. Ушбу қонунларда оммавий иштирок принциплари, шакллари, уни таъминлашга масъул органлар ваколатлари, жавобгарлик масалалари, шунингдек, ахборот олиш эркинлиги ва бошқа зарур имкониятлар белгиланган.

Оммавий иштирок тўғрисидаги Колумбия қонунида халқ ҳуқуқий ташаббуси, референдум, турли даражадаги маслаҳатлашувлар, сайланган вакил ваколатини муддатидан илгари тугатиш, плебисцит ва шаҳар очиқ йиғилишлари – оммавий иштирок механизмлари белгиланган [48]. Ушбу механизмлар ва турли масалалар бўйича халқ ташаббуслари Перу қонунида ҳуқуқлар деб мустаҳкамланган [49]. Боливия қонунида оммавий иштирокнинг фақат индивидуал ва жамоавий шакллари белгиланган [50] бўлса, Кения қонунида шаклларга таснифланмаган [51].

Озарбайжон Қонунида оммавий иштирокнинг жамоатчилик кенгаши, муҳокамаси, эшитуви, фикрини ўрганиш ва ёзма маслаҳатлашув шакллари мустаҳкамланган ва тартибга солинган [42]. Бироқ оммавий иштирокнинг барча шакллари битта қонунда белгилаб бўлмайди. Ушбу ҳолатни эътироф этган ҳолда Озарбайжон Қонунининг 5-моддаси 2-бандида оммавий иштирокни бошқа шаклларда амалга ошириш чекланмаслиги қайд этилган.

Хорижий давлатларда муайян соҳа хусусиятларини инобатга олган ҳолда оммавий иштирокни тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқиляётгани кузатилмоқда. Деярли барча давлатларда сайловларни кузатиш тегишли сайлов қонунчилигида тартибга солинади. Экология, жамоат тартибини қўриқлаш ва бошқа соҳаларда оммавий иштирок тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилинмоқда. Масалан, оммавий иштирок тўғрисидаги қонунлар мавжуд бўлган Перу [52], Боливия [53] ва бошқа давлатларда углеводородларни казиб олишда фуқаролар иштироки тўғрисидаги алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бундай амалиёт барча соҳаларда оммавий иштирокни таъминлашга эътибор қаратиш заруратини кўрсатади.

Энг муҳими, кўпчилик давлатларда оммавий ишларга фуқароларни жалб қилишда рақамли технологиялар кенг қўлланилмоқда. Давлат органларининг веб-сайтларида фуқаролар мурожаат қилишлари, давлат органлари қорорлари лойиҳалари, ҳисоботлари ва бошқа маълумотни муҳокама қилиш учун платформалар яратилмоқда. Ушбу ютуқларни Ўзбекистон амалиётига жорий қилиш долзарб масаладир.

Аввало, оммавий иштирок мазмуни ва хорижий давлатлар амалиётини ҳисобга олган ҳолда, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини оммавий иштирок тўғрисидаги қонун деса бўлади. Ушбу Қонунда оммавий иштирокнинг кўпчилик шакллари мустаҳкамланган ва тартибга солинган. Унинг 6-

моддасида эса, жамоатчилик назоратининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам оммавий иштирок махсус қонунлар баробарида, турли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Масалан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунда: фуқаролик жамияти институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштироки, бошқа қонунчилик ҳужжатларида жамоатчилик ташаббусларини илгари суриш ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказишда онлайн технологиялардан фойдаланиш, журналистик суриштирув, экологик жамоат инспекторлари ва оммавий иштирокнинг бошқа шакллари белгиланган.

Мавжуд амалиётга қаранагда, хорижий давлатларда оммавий иштирок конституция, махсус қонунлар ва турли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Хорижий давлатларда оммавий иштирок ва унинг шакллари турлича номланса ҳам, уларни амалга ошириш механизмлари ўхшашлиги, бунда онлайн технологияларнинг кенг қўлланилишини кўриш мумкин. Ушбу тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда оммавий иштирок тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi // <https://lex.uz/uz/docs/6451070>
2. International Covenant on Civil and Political Rights. Adopted and opened for signature, ratification and accession by General Assembly resolution 2200A (XXI) of 16 December 1966 entry into force 23 March 1976, in accordance with Article 49 // <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx>.
3. Guidelines for States on the effective implementation of the right to participate in public affairs. Adopted by resolution 39/11 of Human Rights Council on 28 September 2018 // https://www.ohchr.org/sites/default/files/2021-12/GuidelinesRightParticipatePublicAffairs_web.pdf.
4. Конституция Республики Таджикистан // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/tj/tj001ru.pdf>.
5. Czech Republic's Constitution of 1993 with Amendments through 2002 // https://www.constituteproject.org/constitution/Czech_Republic_2002.pdf.
6. South Sudan's Constitution of 2011 // https://www.constituteproject.org/constitution/South_Sudan_2011.pdf.
7. Burundi's Constitution of 2018 // https://www.constituteproject.org/constitution/Burundi_2018.pdf?lang=en.
8. Constitution of the Republic of Moldova // https://www.constituteproject.org/constitution/Moldova_2016?lang=en.
9. Rwanda's Constitution of 2003 with Amendments through 2015 // https://www.constituteproject.org/constitution/Rwanda_2015.pdf?lang=en.
10. Конституция Российской Федерации // <http://www.constitution.ru/>
11. The Constitution of the United Republic of Tanzania of 1977 // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/tz/tz008en.pdf>.
12. Constitution of the Republic of Uganda, 1995 // <https://ulii.org/ug/legislation/consolidated-act/0>.
13. Angola's Constitution of 2010 // https://www.constituteproject.org/constitution/Angola_2010.pdf.

14. Конституция Республики Казахстан // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=1005029.
15. Constitution of the Republic of Lithuania. Adopted by citizens of the Republic of Lithuania in the Referendum of 25 October 1992 // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/lt/lt045en.pdf>.
16. Конституция Азербайджанской Республики // <https://ru.president.az/azerbaijan/constitution>.
17. Venezuela (Bolivarian Republic of)'s Constitution of 1999 with Amendments through 2009 // https://www.constituteproject.org/constitution/Venezuela_2009.pdf?lang=en.
18. Constitution of the Republic of Serbia // http://www.parlament.gov.rs/upload/documents/Constitution_%20of_Serbia_pdf.pdf.
19. Конституция Социалистической Республики Вьетнам // <https://worldconstitutions.ru/?p=26>.
20. Oman's Constitution of 1996 with Amendments through 2011 // https://www.constituteproject.org/constitution/Oman_2011.pdf.
21. **Конституция Республики Беларусь** // <https://pravo.by/pravovaya-informatsiya/normativnye-dokumenty/konstitutsiya-respubliki-belarus/>
22. The Spanish Constitution. Passed by the Cortes Generales in Plenary Meetings of the Congress of Deputies and the Senate held on October 31, 1978. Ratified by the spanish people in the referendum of December 6, 1978. Sanctioned by His Majesty the King before the Cortes on December 27, 1978// <https://www.boe.es/legislacion/documentos/ConstitucionINGLES.pdf>.
23. Portugal's Constitution of 1976 with Amendments through 2005 // https://www.constituteproject.org/constitution/Portugal_2005.pdf.
24. Timor-Leste's Constitution of 2002 // https://www.constituteproject.org/constitution/East_Timor_2002.pdf?lang=en.
25. Никонова Л.И., Безуглая А.А. Формы непосредственной демократии: конституционные основы для дискуссии // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2020. № 3 (118). – С. 87.
26. Азимова Д. Ю., Сеидов Ш. Г. Участие граждан Российской Федерации в управлении делами государства: традиционные формы и современные тенденции // Евразийский научный журнал. 2017. №1. – С. 250.
27. Gabon's Constitution of 1991 with Amendments through 2011 // https://www.constituteproject.org/constitution/Gabon_2011.pdf?lang=en.
28. Brazil's Constitution of 1988 with Amendments through 2017 // https://www.constituteproject.org/constitution/Brazil_2017.pdf?lang=en.
29. The Constitution of the Democratic Socialist Republic of Sri Lanka. Amended up to 15th May 2015 // <https://www.parliament.lk/files/pdf/constitution.pdf>.
30. Bahrain's Constitution of 2002 // https://www.constituteproject.org/constitution/Bahrain_2002.pdf.
31. The constitution of the Islamic Republic of Iran // <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/en/ir/ir001en.pdf>.
32. Куръони карим: маъноларининг таржима ва тавсифи /Таржима ва тавсир муаллифи: А.Мансур; тахрир ҳайъати: Абдурашид қори Баҳромов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: З.Хуснитдинов. – Т.: “Тошкент ислом университети”, 2004. – Б. 487.
33. Masud M. K. Defining Democracy in Islamic Polity //ICIP Journal. – 2004. – Т. 2. – С. 1-11.
34. Tamimi A. S. Democracy in Islamic Political Thought //ENCOUNTERS-LEICESTER. – 1997. – Т. 3. – Р. 28.
35. Yemen's Constitution of 1991 with Amendments through 2015 // https://www.constituteproject.org/constitution/Yemen_2015.pdf?lang=en.

36. Cambodia's Constitution of 1993 with Amendments through 2008 // https://www.constituteproject.org/constitution/Cambodia_2008?lang=en.
37. Iraq's Constitution of 2005 // https://www.constituteproject.org/constitution/Iraq_2005.pdf?lang=en.
38. The Constitution of the Republic of the Philippines // <https://www.officialgazette.gov.ph/constitutions/1987-constitution/>
39. Широбоков С.А. Современная интерпретация понимания отдельных положений принципа участия граждан в управлении делами государства // Актуальные вопросы современной науки. Пермь. 2015. № 2. – С. 194.
40. Широбоков С.А. Конституционно-правовые модели и национально-культурные традиции участия граждан в управлении делами государства в зарубежных странах. – Пермь, 2009. – С. 7.
41. Фукс В.Ю. Оценочные критерии конституционного регулирования участия граждан в управлении делами государства в зарубежных странах // Пробелы в российском законодательстве, 4/2011. – С. 18.
42. Law of the Republic of Azerbaijan on Public Participation // https://www.legislationline.org/download/id/8110/file/Azerbaijan_law_public_participation_2013_en.pdf.
43. Citizen Participation Law (Decree No. 3 of 2006) // <https://observatoriop10.cepal.org/es/instrumentos/ley-participacion-ciudadana-decreto-no-3-2006>.
44. Law on associations and citizen participation in public management (Law No. 20.500) // <https://www.bcn.cl/leychile/navegar?idNorma=1023143>.
45. Organic Law of Citizen Participation (Law No. 13 of 2010) // <https://observatoriop10.cepal.org/es/instrumentos/ley-organica-participacion-ciudadana-ley-no-13-2010>
46. Illinois Citizen Participation Act (735 ILCS 110/) // <https://www.ilga.gov/legislation/ilcs/ilcs3.asp?ActID=2937&ChapterID=56>.
47. Andalusia Citizen Participation Law // <https://www.juntadeandalucia.es/boja/2018/4/1>.
48. Law 134, of May 31, 1994, on citizen participation mechanisms // <https://pdba.georgetown.edu/Electoral/Colombia/ley134-94.html>; Law by which provisions are issued regarding the promotion and protection of the right to democratic participation (Law No. 1.757) // <https://observatoriop10.cepal.org/es/instrumentos/ley-la-cual-se-dictan-disposiciones-materia-promocion-proteccion-derecho-la>.
49. Law on Citizen Participation and Control Rights (Law No. 26.300) // <https://leyes.congreso.gob.pe/Documentos/Leyes/Textos/26300.pdf>
50. Law of Participation and Social Control (Law No. 341) // <https://www.lexivox.org/norms/BO-L-N341.html>.
51. The public participation Bill, 2018// http://kenyalaw.org/kl/fileadmin/pdfdownloads/bills/2018/PublicParticipationBill_2018.pdf.
52. Regulation of citizen participation for the performance of hydrocarbon activities (Supreme Decree No. 12-2008-EM of 2008) // <https://observatoriop10.cepal.org/es/instrumentos/reglamento-participacion-ciudadana-la-realizacion-actividades-hidrocarburos-decreto>.
53. Consultation and Participation Regulations for Hydrocarbon Activities (Supreme Decree No. 29033 of 2007) // <https://observatoriop10.cepal.org/es/instrumentos/reglamento-consulta-participacion-actividades-hidrocarbureras-decreto-supremo-no>.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ S/6 (4) – 2024

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).